

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЪНАВИЙ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*А.Ф.Облокуловна*

*E-mail: adilova.feruza.@ nbk.ru*

**Аннотация.** Мазкур мақолада таълим жараёнида маънавиймаърифий ишларини самарали ташкил этиш йўллари, шакл, метод ва воситалари илмий-назарий жиҳатдан ташкил этилган. Шунингдек, маънавий - маърифий иш шакллари турли-туманлиги, жамиятнинг замонавий талабларига, миллий менталитет ва миллий ғоя тамойилларига мос ташкил этиш муҳим педагогик аҳамият касб этиши тадқиқотчи кузатувлари асосида ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** *маънавий-маърифий ишларини самарали ташкил этиш йўллари, шакл, метод, восита, педагогик шарт –шароит, ёш авлод, таълим-тарбия, педагог технолог, изчиллик, , глобаллашув, акцелерация, техноген цивилизация.*

Республикамиз муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар бўсағасида бозор иқтисодиётга ўтиш йўлини танлаганлиги ҳамда мамлакатда янги ижтимоий муносабатлар юзага келганлиги сабабли “Янги Ўзбекистон – янги ғоя” шиори остида олий таълим тизимини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий таълим соҳасидаги дастлабки ислохотлар, аввало, қамровни ошириш, институт ва университетларнинг молиявий ҳолатини, моддий техник базасини яхшилаш, профессор-ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилди. “Олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган . Бу биринчи навбатда, фармонда кўрсатилган “Олий таълим тизимида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш фаолиятини такомиллаштириш”, “Талабаларни адабиёт, санъат ва спортга, соғлом турмуш тарзига жалб этиш, уларда эстетик дид ва касбий этика, ахборот таҳлили маданиятини шакллантириш, ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш бўйича маънавий-маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва барча олий таълим муассасаларида мазкур чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш” да муҳим аҳамият касб этади. Бугунги

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi «O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida» PF-5847-son Farmoni

кунда таълим тизимида амалга оширилаётган чуқур иқтисодий –ижтимоий ислохотлар, ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига мос равишда, талаба ёшларни ҳуқуқий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш билан бир қаторда, маънавий-маърифий заминларини мустақамлаш учун ёш авлодга дунё стандартлари талаби даражасида билим беришимиз олдимизда турган муҳим педагогик вазифалардан биридир. Педагоглар орасида таълимда тарбиялаймиз, тарбиялаб туриб таълимни шакллантирамыз деган тушунча бор. Демак, талабаларни таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларини самарали ташкил этиш учун ҳам тарбиявий, ҳам таълимий, ҳам ривожлантирувчи, ҳам мафкуравий йўналиш бўйича тарбиялашимиз таълим беришимиз лозим. Зеро электрон таълим муҳитида маънавий-маърифий ишларини самарали ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш тарбиянинг мақсади, мазмуни, методлари ва шарт-шароитларининг муштараклигига боғлиқ. Бунда: - маънавий - маърифий ишларини самарали ташкил этиш мақсади (менинг эҳтиёжим); - мазмуни (эгаллашим лозим бўлган фазилатлар); - педагогик жараён методи (талаба қобилиятини ҳисобга олган ҳолда методларнинг қўлланилиши, усуллари ва йўллари); - педагогик шарт –шароит (талаба қобилиятлари, ёш хусусиятлари, мавзу моҳиятидан келиб чиқиб қулай имконият ва ва шарт -шароитлар) орқали амалга оширилади. <sup>[5]</sup> Аммо ҳар қандай педагогик жараёнда бўлгани каби маънавий маърифий тадбирларни ташкил этишда жуда кўп омилларнинг амалийлиги талаба шахсига, унинг иродаси ва хоҳиш-истагига, шахс сифатида маънавий камолот тушунчасини нечоғли англаб етиб, ўзининг турмуш тарзига сингдира олишига боғлиқ бўлади. Маънавий тарбия ўзида инсон моҳиятини, унинг ижтимоий биосоциал мавжудот сифатидаги оламни ифода этувчи тушунчадир. Талабаларда таълим жараёнида маънавий маърифий тадбирларни ташкил этиш ўзаро бир-бири билан боғлиқ ва алоқадор: маданий – маърифий юксаклик, ижтимоий –дидактик тараққиёт, иймон-эътиқоднинг бутунлиги, фалсафий-педагогик ўсиш, миллий ахлоқ -одоб меъёрларига тўла риоя қилиш, илм – маърифатли бўлиш, инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, адолатпарварлик, миллий кадриятларга муҳаббат, фидойилик, мардлик, жасурлик, ташаббускорлик, покланиш, ислом динига эътиқодлик, Ватан ва халқ мустақиллигини доимий ҳимоя қилиш ва унга хизмат қилиш, аждодлар ва уларнинг меросига чуқур ҳурмат ва тарихий дунёқарашнинг интеграллашган тавсифи сифатида белгиланади. Педагогик таълим жараёнида маънавий–маърифий тадбирларни ташкил этиш икки йўналишга эга. Бу йўналишлар маънавий – маърифий тадбирларнинг ўқув режаларига ва истъомолчилар талабларига мослигидир. Тажриба ва педагогик сўровномалар таҳлили асосида шу нарсага амин бўлдикки, талабалар ўзлари яшаб турган ҳаёт тарзини соғлом турмуш тарзи деб тан оладилар. Энг ачинарлиси, миллий истиқлол ғояларига зид

мафкурага асосланган парнографик, эротик асарлар, газета ва журналларнинг юртимизга кириб келиши ва ёшлар маънавий тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганлиги, интернет хабарларидан фойдаланиш имконининг кенглиги натижасида ёшларнинг миллий маданиятига зид бўлган маълумотларни олиши ва улардан нотўғри хулоса чиқариши, (айрим қиз болалар ўртасида маданиятимизга зид Таълим ва инновацион тадқиқотлар равишда ўз жинсини ўзгартиришга бўлган эҳтиёжнинг кучайганлиги) яъни ахборот олиш маданиятининг етишмаслиги кўзга ташланапти. [7] Тадқиқотларнинг кўрсатишича, талабаларнинг зарурий ахборот олиши учун илмий-назарий, оммабоп, методик база мавжуд бироқ, маънавий - маърифий тадбирларни ташкил этишни ривожлантириш юзасидан таълим муассасаларнинг маҳалла, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлигининг қоникарли эмаслиги кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан қараганда талабалар орасида маърифий ишларни ривожлантиришга оид тарғибот ишларини кучайтиришнинг зарурлигини ва мазкур муаммоларнинг келиб чиқишига асосий сабаб бўлган, талабалар маънавий маърифий фаоллигини оширишда Шарқона миллий тарбияни кучайтириш, улар қизиқтирган мавзудаги суҳбат ва дебатлар ўтказиш тарбиявий жараёнларнинг сифатини яхшилаш ҳам талаб этилади. [5] Бизнингча, тарбиявий жараён сифатини кўрсаткичлар ёрдамида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. - ҳаракатчанлик; - изчиллик ва мунтазамлилик; - индивидуал-шахсий ва инсоний йўналганлик; - ташкилий ишларни такомиллаштириш ва мослаштириш; -олий таълим муассасасидаги маънавий - маърифий ишлар моддийтехник асосининг тўлиқлиги, тадбирларнинг мужассамлашган режаси, эслатмалар, кодекслар, хулқ-атвор коидалари, ижодий танловларнинг Низомлари мавжудлиги; -маънавий-маърифий ишларни бошқаришнинг такомиллаш тирилганлиги; - маънавий - маърифий ишларнинг режалаштирилганлиги; - маънавий - маърифий ишларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш механизмининг мавжудлиги; - маънавий - маърифий ишларнинг бориши ва мароми таҳлил килиниши; -олий таълим муассасасидаги тарбиявий ишларнинг изчиллиги ва мунтазамлилиги; - олий таълим муассасасида талабалар шахсини тарбиялашнинг барча турларига эътибор қаратилганлиги, чунончи, маънавий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, мафкуравий ва ҳ.к. -талабаларга таълим-тарбиявий таъсир кўрсатишнинг барча имкониятларидан фойдаланиш тажрибасининг мавжудлиги; -талабаларга яқка ва умумий тарбиявий таъсир кўрсатиш шаклларида фойдаланилиши; -маънавий - маърифий иш шаклларида турли-туманлиги, жамиятнинг замонавий талабларига, миллий менталитет ва миллий гоя тамойиллари, талабаларнинг эҳтиёжларига мослиги кабилар. Маънавий - маърифий тадбирларнинг сифатини таъминлашда тарбия мазмуни биринчи

даражали моҳият касб этади. Унинг кўрсаткичлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: -олий таълим муассасаларида амал қилинаётган модернизциялаштирилган маънавий-маърифий дастурларининг самарадорлиги; -ташкилий-педагогик шарт - шароитлар ва педагогик технологияларнинг қулайлиги, уларнинг педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш мезонлари бўйича ҳисоблаш услубиёти талабларига мувофиқдиги; - академ гуруҳ тьюторига қўйилган талаблардан хабардорлиги ҳамда гуруҳ талабаларининг университет ички тартиб қоидаларга амал қилишларини назорат қилиши; - тьютор иш режаси мазмуни ва ундаги бандларнинг бажарилиши ҳолати; -тьюторлик фаолиятига оид ҳужжатларнинг юритилиши; - тьюторлик фаолиятидаги ташкилий ишларнинг бажарилиши; -академ гуруҳ талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш фаолияти; -тьюторнинг ТТЖ ва оталиққа олинган таълим муассасасидаги фаолияти; -тьюторлик гуруҳидаги талабаларнинг университет, талабалари ўртасидаги танловларда, республика миқёсидаги талабаларининг олимпиадалардаги иштироки; талабалар ота-оналари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари; - университет миқёсида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлардаги фаолияти; -маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик фаолияти. Айтиш жоизки, бугунги глобллашув, акцелерация ва техноген цивилизация ёшлар тарбиясига “ижобий” ва “салбий” таъсирини кўрсатаётгани нафақат педагогларимиз, балки ота оналаримизга ҳам маълум. Фикримизча, маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш узвийлигини таъминлашда медиатеكنولوجياлардан фойдаланиш, тарбия воситаларини бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишларда қўллаш имконини беради. Айни вақтда “Аппарат матнлар” тизими (видеокитоблар, ўқув дисклари, матнли альбомлар ва бошқалар) дан оммавий равишда фойдаланилмоқда. Бу эса педагогларнинг ўзаро мулоқот ва баҳс мунозара қилиш имкониятини кенгайтириши билан бирга, тарбия лойиҳаларини яратишда педагог технолог ва методистларнинг касбий маҳоратларини оширишга ёрдам беради. Маънавий таҳдидлар ҳақида тўхталар эканмиз, очиқ ахборот тизими ва адабиётлар таҳлилидан маълумки, бугун кунда бу таҳдидларнинг йигирмадан ортиқ турлари мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Мультимаданият, полиэтниклик, мономаданият, полимаданият, маданиятлараро диалог, геноцид, расизм, ксенофобия, экстремизм, этноцентризм, фундаментализм, радикализм, миллатчилик, сепаратизм, маҳаллийчилик, миллий ва гуруҳли худбинлик, диний ақидапарастлик, диний риёкорлик, сохта демократиялар, рангли инқилоблар, превентив революциялар, икки хил стандартлар ва бошқалар. Ачинарлиси шундаки, талаба ёшлар орасида ҳам билиб билмай турли хил оқимларга қўшилиб кетиш ҳолатлари кўзга ташланаяпти. Хўш бунинг сабаблари нимада? Биринчидан, маърифий ишларни

олиб бориш орқали миллий мафкурамизга куч- қувват берадиган, уни янги-янги марралар сари сафарбар этадиган, кенг оммага таъсир ўтказишга хизмат қиладиган маънавий, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий манбалар билан такомиллаштириб борилган тадбирларни ёшлар манфаатлари ва қизиқишларидан келиб чиқиб ташкил этиш; Иккинчидан, ёшлар фаолиятни ташкил этишда педагогик тактикани тўғри қўллаш, яъни турли интеллектуал лойиҳалар, форумлар, илмий тадқиқотлар атрофида уларни қизиқишларига кўра бирлаштириш; Учинчидан, ёшлар келажагини кафолатлайдиган, ватанни таниган, ижодкорликка ва мақсадга йўналтирилган, креатив тафаккур, толерантлик, фуқаролик масъулияти, умумбашарий қадриятларга содиқлик ва очиқлик стратегияси асосида уларни мамлакатимиз равнақи йўлидаги давлат сиёсати атрофида бирлаштириш ва юксак маънавий бурчларини адо этиш руҳида тарбиялашга эришиш. Демак, талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш педагогик фаолият субъекти сифатида тизимли, узлуксиз ва узвий тарзда амалга ошириш замирида ёшлар соғлом тафаккурини ривожлантиришга қаратилган муҳим вазифа ётади. Соғлом тафаккур асосида соғлом маънавият шакллантирилади. Аммо соғлом тафаккур ва соғлом маънавият тушунчаларини ўзаро бирлаштириб турувчи омил реал ижтимоий муҳит ҳисобланади. [3]

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар маънавий маданиятини оширишнинг маърифий асосларини шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланган кутубхонага аъзо бўлиш, ижтимоий-гуманитар фанларга қизиқишни оширишга алоҳида эътибор бериш нафақат ўқитувчиларнинг балки барчанинг диққат эътиборида бўлмоғи лозим. Шунингдек таълим тизимида маънавият асосларини мазмун ва моҳиятини ёшлар онгига сингдиришга йўналтирилган махсус ўқув курслари, факультатив машғулотлар ташкил этиш, ёшлар фаровонлигини таъминлаш бўйича концепция ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш давр талабидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 й. “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847 Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 2019 йил 9 октябрь. [www.lex.uz](http://www.lex.uz). 2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2019 й. “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №1059-сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. ([www.lex.uz](http://www.lex.uz))

3. Жўраев Н. Маънавият – инсон қалбининг сарчашмаси. - Тошкент: Маънавият, 2015. – 30 б.

4. Давронова Д.С. Оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент 2018

5. Исмоилова З.К. Миллий ғоя ва маънавий – ахлоқий тарбия. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Молия, 2007. - 71 б

6. Маънавиятнинг асосий тушунчалар изоҳли луғати/ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. - Тошкент: Ғ.Ғулом, 2009. -760 б.

7. Мухторов А. Глобаллашув шароитида маънавий таҳдидларни бартараф этиш омиллари. – Тошкент: Маънавият, 2015. – 31 б